
**“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ Матбуот
хизматининг Расмий Баёноти**

ЭЛЕКТР ТОКИ МУНТАЗАМ БЕРИЛСИН. (ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ)

Куни кеча ижтимоий тармоқлар орқали “Электр токи мунтазам берилсин” мавзусида Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидан мурожаат келиб тушди.

Ушбу мурожаат юзасидан “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ қуйидагиларни маълум қилади.

Ҳавонинг кескин совуши кунлик истеъмол қилинаётган электр энегияси талабини кескин ортишини кўрсатмоқда. Бу эса энерготизимда қувват танқислигини юзага келмоқда. Бундан ташқари, “Талимаржон иссиқлик электр станцияси” (ИЭС)нинг электр энергияси ишлаб чиқаришга мўлжалланган қурилмасида носозлик туфайли таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шу муносабат билан, Республикамизнинг айрим ҳудудларида бўлгани каби Фарғона вилоятининг айрим ҳудудларида ҳам қисқа вақтли электр энергияси таъминотида узилишлар юзага келмоқда. Ушбу носозликни қисқа фурсатларда бартараф этиш чоралари кўрилаётганлигини ва мазкур носозлик бартараф этилгач электр энергияси таъминоти яхшиланишини маълум қиламиз.

Шу ўринда истеъмолчиларга жойларда электр таъминотидаги юзага келаётган муаммо, таклифлар бўйича мурожаатларни яшаш ҳудудингиздаги электр таъминоти корхонаси ишонч телефонига ёки “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг (73)244-49-50 рақамли ишонч телефони мурожаат қилишлари сўралади. Мурожаатлар хар куни 24 соат давомида қабул қилинади. Истеъмолчиларнинг мурожаатларини қабул қилиш, юзага келаётган муаммоларни ўз вақтида сифатли ечимини топиш мақсадида, “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ томонидан 1154 қисқа рақам Алоқа марказлари ташкил этилган. Ушбу қисқа рақам орқали ҳам куннинг исталган вақтида мурожаат йўллаш имконияти яратилган.

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ Матбуот хизмати

2020-02-21 11:43:13